БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-йил чиқиши

№ 172 (1692)

30 АВГУСТ СЕШАНБА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Пахта тозалаш ва луб саноати ходимларининг кенгаши

29 августда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида пахта тозалаш ва луб саноати ходимларининг янги ҳосил пахтаси, жут ва каноини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик кўришга бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартинов «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини бажариш юзасидан пахта тозалаш ва луб саноати ходимларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда завод ва пахта тайёрлаш трестларининг ишчилари, новаторлари, мастерлари, раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда юксак мажбурият қабул қилинди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 21 декабргача бажариш, хомашёни тежаш ҳисобига 9 минг тонна пахта толаси бериш, қўшимча тарзда 665 тонна жут-канов толаси ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 2 процентдан кўпроқ оширишга қарор қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Рудин иштирок этдилар.

(Кенгаш ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ АРАФАСИ

Она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган областимиз пахтакорлари гоят катта ва масъулиятли кампания олдида — пахта йиғим-терими арафасида турибдилар. Эртаҳордан буён ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келаётган колхозчи деҳқон ўз меҳнатининг мевасини — бўлиқ ва серҳосил ғўзаларни, бирин-кетин очилаётган «оқ олтин» дурдоналарини кўриб фахрланмоқда, хирмон кўтаришга ҳозил тўйига тайёрланмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозлар, совхозлар ва тайёрлов тармоқларининг пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлиги тўғрисидаги қарорида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукумат кўрсатаётган ёрдамга таяниб, ҳар бир колхоз ва совхозда олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил тўплаш учун астойдил кураш олиб бораётганликларини таъкидладилар.

«Ҳозирги вақтда,— дейилади қарорда,— ғўзани парвариш қилиш билан бир қаторда ҳар бир колхоз, совхоз, бригада, пахта тозалаш заводи ва тайёрлов пункти пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлашга ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўриши керак, чунки олинган мажбуриятнинг муддатидан илгари муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан пахта теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир».

Яна бир ҳафта — ўн кундан сўнг колхоз ва совхоз далаларида пахта терими оммавий равишда бошланади. Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш — умумхалқ иши, барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекцияларининг энг муҳим ва масъулиятли вазифасидир.

Илгор хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриб қўйдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда», Свердлов номли, Янгийўлдаги Хрушчев номли, Сталин номли, Янгиердаги «Коммунизм» ва Карл Маркс номли колхозларнинг аъзолари янги ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш пунктига топшириш юзасидан амалий тадбирлар белгиладилар. Колхоз территориясидаги барча йўллар ремонт қилиниб, катта ва кичик кўприклар тузатилди, қоп-қанорлар, этак ва транспорт воситалари тахт қилиб қўйилди, асфальт ётқизилган янги майдончалар қурилди.

Пахта йиғим-терими жуда кўп куч, оперативчилик, катта ташкилотчилик ва зўр уюшқоқлик талаб қиладиган ҳамда сира кечиктириб бўлмайдиган гоят масъулиятли кампаниядир. Бу кампанияни қисқа муддатда большевикча уюшқоқлик билан ўтказиш, бутун ҳосилни сира нобуд қилмай давлат омборларига топшириш — областимиз партия, совет ташкилотлари учун катта сиёсий синов бўлади. Йиғим-теримнинг оммавий бошланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги вақтда партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, пахта тайёрлаш системасининг ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг асосий вазифаси — пахта йиғим-теримига тайёргарликнинг боришини яна бир марта текшириб чиқишдан, пахта теримига большевикча уюшқоқлик билан киришишдан иборат.

Ўтган йиллардагига қараганда анча кўп пахта териш ва тайёрлаш лозим бўлган, аммо ҳосил бироз кечикиб етилаётган бу йилги шароитда йиғим-теримни қатъий график асосида уюшқоқлик билан ўтказиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бироқ, баъзи бир районларнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари буни ҳисобга олмаётирлар. Чиноз, Бўка, Оржоникидзе, Сирдарё ва Ўрта Чирчиқ районларидаги бир қатор хўжаликларда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва Сталин номли колхозларда ҳанузгача хирмонлар ҳозирлашга киришилмаган, арава, бричка ва тош-тарозиларни ремонт қилиш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда.

Вазифа шундан иборатки, ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам ҳар тарафлама намунали тайёргарлик кўриш лозим. Ғўзага ишлов беришни, камҳосилли ғўзаларни бўлиқ ғўзалар қаторига етказиб олиш учун бошланган курашни пахта теримига тайёргарлик билан маҳкам боғлаб олиб бориш керак. Ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригада йиғим-теримни ўтказиш тўғрисида пухта ўйлаб тузилган планга эга бўлсин!

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети партия, совет ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз директорлари зиммасига барча хўжаликларда, бўлимларда ва бригадаларда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан асфальт ётқизилган майдончалар қуриш, мавжуд майдончаларни, хирмон жойларни, бостирмаларни, сушилкаларни, саройларни ремонт қилиш ва тайёрлаш, этак ва қоп-қанорларни, транспорт воситаларини тахт қилиб қўйиш, йўл ва кўприкларни тузатиш тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш вазифасини юклади. Бу вазифани тўла-тўкис белгиланган муддатда бажарайлик, пахта йиғим-теримига ҳамма нарсани тахт қилиб, ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан киришайлик!

Н. С. ХРУШЧЕВ билан Калиновка қишлоғи колхозчиларининг самимий учрашуви

КАЛИНОВКА, (Курск области), 27 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. Хрушчев отпускадан қайтаётиб, 26 августда Калиновка қишлоғига ўз ҳамқишлоқлари ҳузурига меҳмонга келди. Ҳаво булут бўлиб, ёмғир ёғиб турган бўлса ҳам, Калиновка ёрқин байрам либосини кийган эди. Қишлоқнинг кенг кўчаларига қуйидаги шиорлар ёзилган алвонлар осиб қўйилган: «Қадрли Никита Сергеевич, ўз қишлоғингиз Калиновкага хуш келибсиз», «Калиновкаликлар тинчлик учун оташин курашчи Никита Сергеевичга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайдилар».

26 август кечқурун колхознинг маданият саройида қишлоқ хўжалик артелининг активи — правление аъзолари, бригадирлар, звено бошлиқлари, оддий колхозчилар тўпландилар.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. В. Грачев колхозчилар меҳнати якунларини қисқа характерлаб берди. Калиновка ва Жеденевка қишлоқлари колхозларининг Никита Сергеевич маслаҳати билан бирлаштирилиши,— дейди В. В. Грачев,— бизга 1959 йилдаёқ Жеденевка далаларида илгаригига қараганда икки баравар кўп ғалла олиш, жамоат чорвачилик маҳсулдорлигини кескин кўпайтириш имконини берди. Бу йил калиновкаликлар учун ҳам, уларнинг қўшнилари учун ҳам жуда мураккаб йил бўлди. Қурғоқчилик ҳосилга таъсир кўрсатди. Лекин шу шароитда ҳам улар олға ҳаракат қила олдилар.

Никита Сергеевич эришилган муваффақиятлардан хурсанд бўлди, жамоат хўжалигини ривожлантириш перспективаси билан қизиқди.

Йиғилишда Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Унга ўз ҳамқишлоқлари қизғин кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев Калиновкага келган куннинг эртасига хўжаликнинг аҳволи билан танишишни давом эттирди. У далаларни, маккажўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинларни кўздан кечирди, чорвачилик фермаларига борди, қурилаётган сигирхоналарни кўрди.

Н. С. Хрушчев колхоз раҳбарларига экономикани янада ривожлантириш ҳақида, қишлоқни қайта қуриш тўғрисида, чорвачиликни тўғрироқ бошқариш ҳақида ва бошқа бир қанча масалалар юзасидан маслаҳатлар берди.

Туш пайтида марказий майдонда кўп кишилик митинг бўлди. Митинг охирида Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Тўпланганлар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. «КПСС га ура!», «Совет ҳукуматига шоншарафлар бўлсин!» деган хитоблар янграйди.

Калиновкаликларнинг Н. С. Хрушчев билан учрашуви колхоз далалари меҳнаткашларининг катта, қувончли ва ҳаяжонли байрамига айланди.

Бугун кечқурун Н. С. Хрушчев Москвага жўнаб кетди.

А. И. Микоян Япония сиёсий арбоби Судзукини қабул қилди

27 августда СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян СССР да меҳмон бўлиб турган Японияниинг машҳур сиёсий арбоби, Япония социалистик партияси раҳбарларидан бири Мосабуро Судзукини, шунингдек унинг ўғли профессор Т. Судзукини, Япония социалистик партиясининг кўзга кўринган арбоблари С. Окада ва Япония парламентининг депутати С. Ходзумини қабул қилди.

Суҳбат вақтида халқаро аҳвол ва тинчлик учун курашнинг турли масалалари юзасидан, шунингдек Совет-Япония муносабатлари масалалари юзасидан дўстона фикр алмашув бўлди.

А. И. Микоян ва М. Судзуки ишонч билдириб айтдиларки, ҳозир урушларнинг олдини олиш ва давлатларнинг социал тузумидан қатъий назар, барча давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларининг тантана қилиши учун курашда халқларнинг куч-ғайратини бирлаштиришдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Шу муносабат билан Судзуки айтдики, япон халқи Япония ҳукмрон доиралари амалга ошираётган Америка Қўшма Штатлари билан ҳарбий блок тузиш сиёсатига қарши, Япония томонидан мустақил, тинчликсевар ташқи сиёсат, бетарафлик сиёсатининг амалга оширилиши учун актив кураш олиб бормоқда.

А. И. Микоян айтдики, япон халқи тинчлик ишига қўшаётган ҳиссани совет халқи жуда қадрлайди. Совет кишилари, — деди у,— Япония ишчилар синфи, зиёлилари, барча прогрессив кучларининг Америка—Япония ҳарбий шартномасига қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллиги учун, халқлар ўртасидаги дўстлик учун олиб бораётган мардонавор курашларини табриклайдилар. Лекин шуни кўрмаслик мумкин эмаски, — деди А. И. Микоян,— Японияда, япон халқининг иродасига қарамай, АҚШ ҳукмрон доиралари билан ҳарбий шартнома тузган, Япония территориясини чет эл ҳарбий базаларига бериб қўйган таъсирли доиралар бор, бу эса, Японияни Хиросима фожиасидан ҳам ҳадсиз огир оқибатларга олиб келиши мумкин.

АҚШ билан ҳарбий шартномага қарши, мустақиллик ва бетарафлик учун халқ курашида бошқа прогрессив ташкилотлар билан бир қаторда Япония Социалистик партияси муҳим роль ўйнамоқда. Бу партия Америка-Япония ҳарбий иттифоқининг тинчлик иши учун ва Японияниинг ўзи учун хавфини тушунмоқда.

Суҳбат вақтида А. И. Микоян ва М. Судзуки СССР ва Япония ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини, шу жумладан савдо ва маданий алоқаларни кенг ривожлантириш зарурлигини, шунингдек улар ўртасида ҳали ҳал этилмаган масалаларни ҳамжиҳатлик ва ҳар иккала томон манфаатларини ҳурмат қилиш руҳида тезроқ ҳал этиш зарур эканлигини қайд қилдилар.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси И. И. Тугаринов ҳозир бўлди.

МОРИС ТОРЕЗ ГРУЗИЯДА

ТБИЛИСИ, 28 август. (ТАСС). Совет Иттифоқида дам олаётган Франция Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Морис Торез бугун буерга келди. У билан бирга унинг рафиқаси — Франция Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Жаннетта Вермерш ва ўғли келди. Меҳмонлар Гаградан Тбилисига келаётганларида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Грузия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе уларга ҳамроҳ бўлди.

Бугун француялик меҳмонлар Тбилисининг аэтиборга сазовор жойлари билан танишдилар, шунингдек Грузия қишлоқ хўжалик институтининг таълим-тажриба хўжалигига бордилар.

Сўнгра улар қадимий грузия меъморчилигининг ёдгорлиги — Грузиянинг қадимий пойтахти Мцхетада XI асрда қурилган Свети-Цховели соборини кўриш учун бордилар.

Меҳмонлар бу тарихий ёдгорликни кўздан кечирганларидан кейин маҳаллий агроном-декоратор М. Мамулашвили уйига кирдилар. Унинг томорқа участкасида дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган гуллар ва декоратив ўсимликлар ўсмоқда.

М. Торез ва Ж. Вермерш М. Мамулашвилига унинг фойдали ишида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Мцхетада М. Торез ва ҳамроҳлари билан уларнинг ватандоши Ле Вуад шаҳридан келган Жозетта Деезер ўртасида ҳаяжонли учрашув бўлди. Бу француз қизи иккинчи жаҳон уруши вақтида француз партизанлари сафида жанг қилган мцхеталик Отари Кобиашвилига турмушга чиққан ва урушдан кейин у билан бирга Грузияга келган.

Кунниинг иккинчи ярмида Франциялик меҳмонлар Грузия республикаси Коммунистик партияси ва ҳукумати раҳбарлари билан биргаликда «Буревестник» стадионида футбол матчини тамоша қилдилар. 50 мингдан ортиқ тамошабин Франциядан келган меҳмонларни қизғин табриклади. Кечқурун меҳмонлар грузин санъат усталарининг концертини кўрдилар. (ТАСС).

ХХРнинг СССРдаги элчиси Лю Сяонинг Ўзбекистонда бўлиши

Хитой Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Лю Сяо Ўзбекистонда икки кун меҳмон бўлиб турди. У билан бирга ХХРнинг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Чжан Инь-у ва элчихонанинг бир группа ходимлари бўлдилар.

Лю Сяо Чжан Инь-у ҳамроҳлигида Тошкентга келиши билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ҳузурига визит билан кирди.

Дўстона суҳбат вақтида Лю Сяо унга Ўзбекистонга келиш ва коммунистик қурилиш соҳасидаги республика эришган муваффақиятлар билан танишиш имконияти берилганлигидан жуда мамнун эканлигини айтди.

Лю Сяо ва Чжан Инь-у, шунингдек Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳузурига визит билан бордилар.

Тошкентда Лю Сяо ва унинг ҳамроҳлари шаҳарнинг эътиборга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, тўқимачилик комбинатига бордилар.

Лю Сяо Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда бир неча соат бўлди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Абдуллаева бошлиқ юқори ҳосилли пахтачилик бригадаси далаларини, чорвачилик фермасини кўздан кечирди, кекса колхозчилар уйида, шунингдек пахтакорлардан бирининг уйида бўлди.

Колхозчилар билан суҳбатда Лю Сяо уларни бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирганликлари билан табриклади. Элчи айтдики, совет кишиларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги, халқ моддий фаровонлигини ошириш соҳасидаги муваффақиятлари Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашлари учун илҳомбахш намунадир. Бу муваффақиятлар, — деб таъкидлади Лю Сяо, — совет халқи яратувчилик ишининг, ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг катта ташкилотчилик фаолиятининг бевосита натижасидир.

28 августда Лю Сяо ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Улар жўнаб кетиши олдидан Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги Хитойлик меҳмонлар шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов Лю Сяога мурожаат қилиб айтдики, Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош хитой халқи вакилларининг республикамизга ҳар галги келишидан астойдил хурсанд бўладилар. Барча совет кишилари сингари, — деди у, — Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам социалистик лагерь мамлакатларининг бирлиги ва қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашни, Хитой Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи халқларининг буюк дўстлигини кенгайтириш ва ривожлантиришни ўзларининг шарафли бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Лю Сяо зиёфат вақтида сўзлаган нутқида Хитой Халқ Республикаси халқларига нисбатан қардошлик туйғулари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига самимий ташаккур айтди. У, Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи халқлари, ҳукуматлари ва коммунистик партиялари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қадаҳ кўтарди. (ЎзТАГ).

Китоб савдоси ходимларининг республика кенгаши

29 августда Тошкентда Ўзбекистон китоб савдоси ходимларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида китоб тарқатувчилардан ташқари, республиканинг машҳур олимлари, ёзувчилари ва рассомлари, нашриёт ходимлари, босмахона ходимлари, кутубхоначилар, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР китоб савдоси ходимларининг делегациялари, Москва китоб савдоси ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Президиуми баланд руҳ билан кенгашнинг фахрий президиумига сайланди.

Кенгаш кун тартибида — КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Китоб савдосининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажариш юзасидан китоб савдоси ходимларининг вазифалари деган масала бор. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР маданият министри С. М. Муҳамедов ва Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси Х. Ю. Юнусов доклад қилдилар. Докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари О. А. Алимов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов иштирок этмоқдалар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО

Мусобақадошларимиз муваффақияти

Иваново область саноат корхоналарининг коллективлари саккиз ойлик топшириқни муваффақиятли бажарган Ўзбекистон Совнархози саноат корхоналари меҳнаткашлари — мусобақадош дўстларининг ғалабасини эшитиб, гоят қувондилар.

Иваново иқтисодий райони саноат корхоналарининг коллективлари ҳам 26 августда саккиз ойлик топшириқни тўла бажардилар. Ялпи маҳсулот ва буюмларнинг муҳим турларини ишлаб чиқариш плани ado этилди. Ой охиригача пландагидан ташқари 250 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Ўтган йилнинг шу давридагига қарганда меҳнат унумдорлиги тўрт процент ошди.

СИЗ ҚАНЧА СИЛОС БОСТИРДИНГИЗ?

(29 августгача бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	124,2
Қуйи Чирчиқ	70,9
Ўрта Чирчиқ	56,7
Бекобод	55,1
Янгиер	54,6
Сирдарё	54,4
Бўка	53,2
Оққўрғон	50,5
Бўстонлиқ	49,6
Янгийўл	46,6
Пискент	43,5
Оржоникидзе	41,9
Оҳангарон	40,0
Калинин	38,8
Чиноз	38,5
Гулистон	38,3
Олмалиқ	17,9
Область бўйича	53,8

Пойтахтимизнинг Қўйлиқ шоссесида шифер ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди. Цех замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: шифер тайёрлайдиган установканинг умумий кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Финляндияга қиладиган визитига доир

Шу йил сентябрь ойининг дастлабки кунларида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев визит қилиб ва президент Урхо Кекконен олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан уни табриклаш учун Финляндияга боради.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси III съездига КПСС делегацияси


Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг таклифига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов бошчилигида КПСС делегацияси 28 августда Ханойга, Вьетнам меҳнаткашлар партияси III съездига жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Арманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Товмасян ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари К. Н. Гришин бор.

Н. А. Муҳитдинов, С. А. Товмасян ва К. Н. Гришин ўртоқлар, Совет Иттифоқининг ҳукумат делегацияси сифатида, Вьетнам Демократик Республикаси тузилган куннинг 15 йиллигини байрам қилишда ҳам иштирок этадилар.

Ўзбекистон механизаторларининг иккинчи съезди делегатлари диққатига

Республика механизаторларининг иккинчи съезди 31 август эрталаб соат 10 да Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносида очиладн.

Делегатлар келиб тушган жойларнинг ўзида рўйхатга олинадн.



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—ҒАЛАБАЛАРИМИЗ КАЛИДИ

Автоматлар ёрдамида

Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш — янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишнинг ҳал қилувчи шарти эканлигини фабрикамиз коллективи ўз тажрибасида яққол кўрмоқда. Шу сабабли ҳам коллективимиз КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан сўнг бу соҳадаги ишларни янада авж олдириб юборди.

Янги техникани кенг миқёсда жорий қилиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймоқда, унинг сифати яхшиланиб, таннархи камаймоқда. Жумладан трикотаж цехида бир қатор автомат агрегатлар ўрнатилиши натижасида иш илгариги уч смена ўрнига икки сменада ташкил этилди. Бу цехга ўрнатилган устки трикотаж буюмлари тўқийдиган автоматлар техникамизнинг энг сўнгги ютуқларидан биридир. Бу машиналар бир неча процессларни бир йўла автомат равишда бажаради. Машиналар истаган шаклдаги гулни чиройли, нафис ва бежирим қилиб тикади.

Худди шундай янгиликлар пайпоқ тўқиш цехида ҳам жорий этилаётир. Пайпоқни бир процесс билан тўқиб, тайёрлайдиган, иш унуми юқори бўлган янги машиналар кўплаб ўрнатилмоқда. Бу машиналарда тайёрланган маҳсулотларнинг сифати аввалги маҳсулотларга қараганда беқиёс яхши.

К. АБДУЛЛАХЎЖАЕВ,
Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг инженери.



Мебель мўл бўлади

Қисқа вақт ичида 17 таклифдан 13 таси амалга оширилиб, йиллик фойда 298 минг сўмга кўпайди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган мебельчилар рационализаторлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришяпти. Бундан ташқари улар иш жараёнларини механизациялаш, янги-янги станокларни ишга туширишда ҳам тақдирга сазовор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда диван тайёрланадиган конвейер линияси, юмалоқ столни қирқадиган станок ишга туширилди. Натижа ёмон бўлмади. Маҳсулот ишлаб чиқариш анча ортди.

Аҳолига мўл-кўл мебель буюмлари тайёрлаб бериш учун курашаётган коллектив ўзининг пешқадамлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Уста дурадгорлардан Аскар Ғозиев, Қўчқор Тошпўлатов ва Турсун Юнусовлар шуҳрати аллақачоноқ фабрика доирасидан чиқиб кетган. Улар топшириқни 200-250 процент бажаришлари билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаётирлар.

Н. ОМОНОВА.
Тошкентдаги 3-мебель фабрикаси.

Мукаммал терим агрегатлари яратамиз

Техникани тараққий эттириш — давримизнинг шиори, ҳаётнинг талаби бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми буни яна бир бор алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Техникани тараққий эттиришни жадаллаштиришда илмий муассасалар ва конструкторлик бюроларининг роли бениҳоя каттадир. Чунки давримизнинг энг муҳим проблемалари, технология жараёнларининг янги усуллари ҳудди шу ерда яратилади. Бизнинг конструкторлик бюромиз коллективи ҳам ўз зиммасига юклатилган ғоят катта вазифани бутун тўлалиги билан ҳис қилган ҳолда Ўзбекистон учун энг муҳим проблемани — пахтачиликни комплекс механизациялаш проблемасини ҳал қилиш устида ижодий иш олиб бормоқда.

Ҳосилни териб олишни машиналаштириш — пахтачиликни комплекс механизациялашнинг асосий звеносидир. Кўп меҳнат талаб этадиган бу процессни механизациялаш муваффақият билан ҳал қилинмоқда. Эндиликда кунига 8 — 10 тонна «оқ олтин» терадиган машиналар бор. Ўтган 1959 йил бу соҳада бурилиш йили бўлди. Пахта териш машиналари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳр-муҳаббатини қозонди. Буни шундан ҳам кўриш бўладики, республика механизаторлари бу йил 500 минг тонна, областимиз механизаторлари эса камида 140 минг тонна пахтани машинада теришга аҳд қилганлар.

Олдимизда бир қатор проблемалар борки, ҳаёт уларни мумкин қадар яқин вақт ичида ҳал этишни талаб этмоқда. Қолган ҳосилни ва ерга тўкилган пахтани териб олишни машиналаштириш проблемаси шулар жумласидандир. Ғўзапояни йиғиштириб олишни механизациялаш ҳали узилкесил ҳал қилингани йўқ. Бундан ташқари пахтачиликдаги ёрдамчи ишлар, чунончи пахтани ортиш ва тушириш, уни марказлаштирилган ҳолда қуритиш ва тозалаш проблемаси ҳам тўла равишда ҳал қилинган эмас. Яқин йиллар ичида пахтачиликдаги барча процессларни комплекс механизациялашни таъминлаш мақсадида мутахассисларнинг кенг активи диққат-эътиборини ана шу масалаларга қаратмоқ лозим.

Хўш, бизнинг конструкторларимиз ҳосилни териб олишни машиналаштириш проблемасини қандай ҳал қилмоқдалар? ГСКБ ходимлари колхозчилар ва совхоз ишчилари билан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаб ва пахтакорларнинг таклиф ҳамда мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришда дуруст натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Пахта териш машиналарини хўжаликларда ишлатилганда, улардаги камчиликлар мавсум давомида кўзга аниқ ташланди. Ана шундай камчиликлардан бири вертикал-шпинделли пахта териш машиналаридаги фрикцион приводлар эди. Бу узел барабандаларни ишчи органларининг доимий режим асосида ишлашини таъминлай олмас эди. Механик-ҳайдовчилар бу ҳақда машина яратувчиларга айтдилар ва уни яхшилаш юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конструкторлар ана шу мулоҳазалар асосида ишчи аппаратларининг доимо бир меёрда ишлашини таъминлайдиган янги привод яратиш йўлини қидира бошладилар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг ассистенти ўртоқ Тер-Эммануильянц бу мушкулни осон қилди. Янги привод асосида «ХВС» синаб кўрилганда, яхши натижалар берди, машина илгаригига нисбатан 1,5-2 процент кўп пахта терди.

Вертикал-шпинделли, шунингдек горизонталь-шпинделли терим агрегатлари қабул камерасининг пахтани сўриб олувчи патрубкаси нормал ишламаслиги ҳам жиддий камчиликлардан бири эди. Гап шундаки, машинанинг ана шу қисмига бирор нарса тиқилиб қолиб, кўпинча ишга халақит беради. Ўрта Осиё машина синаш станцияси берган ҳужжатлар шуни кўрсатиб турибдики, ана шу камчилик туфайли машинанинг иш унумдорлиги анча пасайиб кетмоқда. Бу камчиликни тугатиш мақсадида қабул камерасининг иш процесси ва унга турли нарсаларнинг тиқилиб қолишининг ҳосил бўлиши ҳар тарафлама ўрганилди. Ана шулар асосида инженер Рогинский тамомила бошқача қабул камераси лойиҳасини таклиф этди. Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибалар бу камеранинг аварияcиз ишлашини кўрсатди. Бу йилги мавсумда янги хил камера ҳар тарафлама яна бир бор синовдан ўтказилади ва келгусида барча терим агрегатлари улар билан таъминланади.

Ўртоқ Глазатов раҳбарлик қилаётган конструкторлар коллективи горизонталь-шпинделли машиналарни янада такомиллаштириш, уларнинг айрим узел ва деталларини ихчамлаштириш ва шу йўл билан агрегатларнинг техника кўрсаткичларини яхшилаш устида катта иш олиб бормоқда.

Машҳур «ХВС-1,2» машинасининг бош конструктори ўртоқ Приходько раҳбарлигидаги бир группа ходимларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Улар ДТ — 24 трактори тиркалиб ишлатиладиган икки қаторли осма пахта териш машинасини яратдилар. Агрегатнинг ишчи аппаратлари илгаригиларга нисбатан анча енгил. Бу машинадан фойдаланиш ҳар тарафлама фойдалидир. Чунончи йилнинг бошқа вақтларида трактордан бошқа ишларда фойдаланиш мумкин бўлади. Агрегатнинг кўрак терадиган махсус мосламаси ҳам бор. Бу пахта териш машинасини қўлланиш колхоз ва совхозлар учун катта иқтисодий қулайликларни вужудга келтиради.

Пахта териш агрегатларидаги процессларни автомат равишда бошқаришга кўчириш жуда муҳимдир. Бу тадбир механик-ҳайдовчининг ишини енгиллаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади ва терим учун сарфланадиган ҳаражатларни камайтиради. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан пахта териш машинасига иккита автомат мослама ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Булардан бири ғўза қаторларини ишчи аппаратларига тўғри бўлишини таъминласа, иккинчиси ишчи аппаратларининг баланд ёки паст бўлишига хизмат қилади. Агар машина ғўза қаторларидан бироз четга чиқадиган бўлса, автоматнинг электр системаси сигнал беради. Бу янгиликлар синовдан ўтди ва уларнинг яхши натижа берганликлари қайд қилинди.

Бундан ташқари конструкторларимиз ва техникларимиз механизаторларнинг мулоҳазаларини ҳисобга олиб, агрегатларнинг вазнини камайтиришга жиддий эътибор бераётирлар. Бунинг учун даставвал машина тайёрлашда полимерлардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир капрондан тайёрланган втулка ва шестернялар, шунингдек бошқа деталларни синаб кўришга тайёргарлик олиб борилмоқда.

Ўртоқ Куценко раҳбарлигидаги конструкторлар яратаётган кўрак териш машинаси ҳам диққатга сазовордир. Бу машина йиғим-теримни қисқа муддат ичида тамомлашга катта ёрдам беради. Янги агрегат бу йилги мавсумда кенг равишда синаб кўрилмоқчи.

Конструкторларимиз партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида бундан кейин ҳам янгиликлар яратиш йўлида хормай-толмай меҳнат қиладилар.

Н. ЛИТЮЧИЙ,
пахта териш машиналарини лойиҳалаш давлат махсус конструкторлик бюросининг инженери.

Етти йиллик янгиликлари

Ново-Краматорск машинасозлик заводидан яқинда «Черемховуголь» трестига мамлакатимиздаги энг катта ер қазиш машинаси жўнатилди. «ЭШ—35—65» маркали одимловчи бу экскаватор ковшининг ҳажми 35 кубометрдир. Бу ковшга «ЗИЛ—150» маркали юк машинаси бемалол сиғади. Экскаватор стреласининг узунлиги 65 метрдир. Бу улкан агрегат бир иш циклида, яъни 10 минутда 35 кубометр қум-тупроқни қазиб чиқариши ва уни 120 метр масофага элтиб қўйиши мумкин.

Мингларча ер қазувчи ишчиларнинг меҳнатини қиладиган бу экскаватор завод конструкторларининг лойиҳаси асосида тайёрланди. У жуда мукаммал бошқарув ускуналари билан жиҳозланган. Бу агрегат бир йил ичида 8 миллион кубометр ҳажмидаги қум-шағални қазиб чиқариши мумкин.



Етти йилликнинг ҳал қилувчи участкаси — Оҳангарон цемент заводи қурилишида меҳнат кун сайин авжга чиқмоқда. Аҳил коллективнинг ҳар бир аъзоси — хоҳ бетончи, хоҳ ғишт терувчи, хоҳ монтажчи бугун кечагидан эртага бугунгидан кўпроқ иш бажаришга ошиқаётир. Суратда: илғор бетончилар (чапдан) И. Шодиев, И. Абдусаитов ва А. Мамажонов ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

МУСОБАҚАДОШЛАР

Атроф ёришиб кетди. Дам ўтмай баланд чўққилар оша худди табассум қилаётгандек қуёш ҳам мўралаб қолди. Шу мусаффо тонгда биргина автобус кафтдек теп-текис йўлда елдек учиб борарди. Унинг пешонасига «Хизматчилар учун» деган сўзлар ёзилган. Автобус кончиларники. Уни бир қараган киши дарров пайқаб олади.

Кончилар ўзаро гурунглашиб кетишяпти. Фақат қоракўз, қора қош, жуссали бир йигит суҳбатдан четда. У чуқур ўйга чўмган. Қизиқ, нималар тўғрисида хаёл сураётган экан у. Кўмир конига дастлаб қадам қўйган кунлари, касб эгаллашдаги уриниб-тургингани ёдига тушиб кетганмикан?

Разрезга етиб келишганида, Носирбой ўзига келди. У дўсти Абларжон билан нарядхонага кириб кетди.

— Бугун Носирбой норманы 200 процент бажаришга сўз берган экан, — деди Абларжон участка бошлиғи Павел Николаевич Левошенкога қараб, — беллашганим бўлсин...

Дам ўтмай Носирбойнинг экскаватори гуриллаб кетди. Кетма-кет Абларжон машинасининг овози ҳам унга жўр бўлиб тушди. Иккаласи сўзининг устидан чиқиш учун астойдил ишга киришиб кетди.

Ҳаш-паш дегунча 6 соатлик иш куни ҳам тугади. Участканинг каттадан-кичик барча аъзоси, жумладан Носирбой ва Абларжонлар ҳам ҳазил ишлашгани йўқ. Ҳар вақтдагидек бугун ҳам топшириқ анча-мунча ошириб бажарилди.

Мусобақадошлар яна нарядхонада учрашишди. Юз-кўзларини чанг қоплаган бўлса ҳам бугунги меҳнатларидан бениҳоя шод эканликлари сезилиб турарди.

— Баракалла — деди Павел Николаевич, — икковингиз ҳам мақтаса арзигудек ишладингиз. Лекин, улоқ сенда кетди, Носирбой. Экскаватордан қандай қилиб унумли фойдаланаётганлигингни дўстингга ҳам айтиб бер.

... Ўзининг ҳалол меҳнати билан разрездагина эмас, «Ўзбекуголь» комбинати коллективи орасида ҳам донг таратиб келаётган Носирбой Болтабоевнинг бу ерга келганига 11 йил бўлди. Мана 9 йилдан бери у экскаватор машинисти. Топшириқни ошириб бажармаган куни йўқ. Ҳозир у аъзо бўлган бригада юксак ном учун курашмоқда.

Носирбой коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бригаданинг аъзоси бўлишга лойиқ. У илғорлар-илғори. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, у ўтган ойда 78 минг ўрнига 84 минг кубометр шағал қўпориб, кон устини очиш ишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Носирбой фақат ишда илғор бўлмай, актив жамоатчи ҳамдир. У шаҳар Советининг депутати.

Партия ва ҳукуматимиз Носирбой Болтабоевнинг меҳнатини юксак тақдирлади. Унинг кўкрагида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Камтар йигит бу ғамхўрликка жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қилаётир.

— Мен, — дейди Носирбой Болтабоев, — юксак ном учун курашаётган касбдошларимнинг юзини ерга қаратмайман. Менинг учун етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга дарёдан томчи бўлса ҳам ўз ҳиссамни қўшишдан ортиқ бахт йўқ. Чунки мен бахтимни меҳнатда топганман.

Т. РАСУЛОВ,
О. САЙДАМИНОВ,
Оҳангарон шаҳри.

Кучли транспортёр

Бу йил колхоз ва совхозларда, тайёрлаш пунктларида пахтани қоп-қанорсиз ташишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда ҳосилни бунтлаш энг нўп меҳнат талаб қиладиган ишлардан ҳисобланади. Ана шу оғир ишни ҳам машиналар зиммасига юклаш мўлжалланди.

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи 20 метрли «6Т10» маркали лентали транспортер ишлаб чиқаришга киришди. Тажриба цехида янги маҳсулотнинг дастлабки нусхаси тайёрланди. Машинасозлар йил охиригача 1500 та ана шундай транспортер ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Т. ВЛАДИМИРОВ.

Қўл меҳнати барҳам топди

Маълумки бинокорлик материаллари саноати халқ хўжалигимизнинг бошқа тармоқларига қараганда анча кўп меҳнат талаб қилади. Областимиздаги аксарият ғишт заводларида ҳозиргача маҳсулот ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган сир эмас.

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларида кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Кўп қатори коллективимиз ҳам партия кўрсатмаларини амалга ошириш учун қизғин кураш бошлади.

Бошқармамизга қарашли заводларда механизациялаш ишлари кенг қулоч ёйган. Бу соҳада айрим ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Кўпдан буён илғорлар сафидан ўрин олиб келаётганимиз, шубҳасиз механизацияга зўр берганимиз туфайли.

Аввало биз тупроқ олинадиган карьерларнинг заводларга яқин бўлишига эришдик. Меҳнат унумдорлигини оширишда бунинг аҳамияти кам эмас. Автомашиналарга тупроқ кўп чўмичли экскаватор ёрдамида ортилади. Ташиб келтирилган тупроқ махсус машиналарда қорилиб, пишитилиб, махсус механизмлар ёрдамида стандарт қилиб кесилади. Бу ишлар механизациялашмасдан олдин озмунча меҳнат сарфланарди дейсизми?

Хом ғиштни хумдонга олиб кириш илгари қўлда бажариларди. Эндиликда бу ишларни машина ва механизмлар қилаяпти. Ҳозир корхонамизда инженер Л. Бурилов машинаси ишлаётир. Ишчиларимиз уни «ақлли» машина дейишади. Чунки у ўз-ўзидан аввалдан белгиланган маршрут бўйича ҳаракат қилиб, хом ғишт ортилган вагонетка олдига келади. Уни устига олади ва хумдон томон олиб кетади. Ҳатто туннелнинг эшигини ҳам ўзи очади, вагонеткани ичкари киритгач, эшикни ёпиб, яна хом ғишт олиб келиш учун жўнайди. **Қани энди шундай жонимизга оро киradиган машиналар кўп бўлса, пичоғимиз мой устида бўлиб қоларди.**

Хумдонда бўлганингиз бордир. Қора терга тушиб замбил ғалтакда ғишт олиб чиқаётган ишчиларни ҳам кўргандирсиз. Ишчиларимизни ана шу оғир қўл меҳнатидан халос қилиш учун кўплашиб фикрлашдик. Ниҳоят мақсадимиз ушалди. Бунинг учун биз замбилгалтакларни уч ғилдиракли аравачалар билан алмаштирдик. Печларнинг атрофига аравачалар юрадиган 20 сантиметр қалинликда бетон ётқиздик. Аравачаларга махсус таглар қўйилиб, арча шаклида 200 донадан ғишт тахланади. Махсус майдонга қатор терилган ғиштларни автокран учтадан тагни, яъни 600 та ғиштни бир йўла автомашинага ортади. Шундай қилиб 1200 дона ғишт 8-10 минутда ортиб бўлинади.

Ана шу янгилик жорий қилинмасдан олдин битта ғишт 5—6 марта қўлдан ўтар ва 7—8 жойга кўчар, синиб, майдаланиб кетарди. Қурилиш майдонларида ҳам ғишт парчалари ҳаммаёқни тутиб кетарди. Энди бинокорлар ҳам хурсанд. Ғишт ерга ташланмайди. Кўтарма кранлар уни тўғридан-тўғри ғишт терувчи ёнига олиб чиқиб беради.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашаётган бошқармамиз коллективи шу кунларда газ билан ишлашга кўчиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

А. ЗУЛУНОВ.
Тошкентдаги 5-ғишт заводлари бошқармасининг бош инженери.



Суратда: Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари С. Абиев ва В. Лукьянов ўртоқлар. Улар ҳар ойнинг тўрт кунида тежалган ҳомашё ҳисобига маҳсулот бераётирлар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

500 минг тонна учун!

Ғўза парваришини йиғим-теримга тайёргарлик билан қўшиб олиб борайлик!

Машиналар теримга шай қилинмоқда

Шу кунларда Сирдарё районидаги Верхне-волинск ремонт-техника станциясида иш ҳар қачонгидан қизғин. Бир томонда механизаторлар колхозлардан келтирилган пахта териш ва кўрак чувиш машиналарини, ОДНларни жадаллик билан ремонт қилиб мавсумга шайлаб колхозларга жўнатмоқдалар. Иккинчи томонда колхоз механизаторлари ҳам устахонадан фойдаланиб, ўзларига биркитилган техникани тезроқ ва сифатли ремонт қилиш учун интилмоқдалар.

Мана, РТСнинг жонкуяр слесарлари П. Персанов, В. Зинченко ўртоқлар. Уларнинг машина олдидан кетгилари келмайди, фикр-зикрилари колхозчиларнинг оғирини енгил қиладиган машиналарни теримга барвақт ва сифатли тайёрлашга қаратилган. Бунинг сабаби аниқ. Бу йил районда 18 минг тонна пахта машинада терилиши керак. Механизаторлар ана шунга муносиб ҳисса қўшмоқчилар. Ҳар иккала слесарь «Қизил Октябрь» колхозидан келтирилган 4 та «СХМ-48М» машинасини жуда қисқа вақт ичида ремонтдан чиқарди, қолган 2 машинани ҳам яқин кунлар ичида ремонтдан чиқариб, колхозга жўнатиш учун ҳамма тадбирларни кўраётирлар. РТСнинг Персанов, Зинченкога ўхшаган моҳир механизаторлари колхозларнинг ўнлаб ана шундай пахта териш машинасини ремонт қилиб бердилар. Улар колхозларнинг механик-ҳайдовчилари билан ҳамкорликда ишлаб яхши натижаларга эришдилар. «Коммунизм» колхозининг механизатори Р. Шокиров 16 кунда учта «СХМ-48 М» машинасини ремонтдан чиқарди.

«Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Р. Юсупов бошлиқ бригада механизаторлари ҳам машина теримига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бригада аъзолари 38 гектар ердаги ғўзани машина теримига мослаб парвариш қилаётирлар. Шуниндек «Узбекистон» колхозининг ўртоқ П. Эрматов бригадаси ҳам 75 процент ҳосилни машина билан теришга қарор қилди. Терим агрегатлари тахт қилиб қўйилди.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Т. ШОМУРОДОВ.

Турсунойлар пахтаси очилди

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ тракторчи-далачилик бригадаси 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан пахта етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Дастлабки кунларданоқ ғўза парваришини кучайтириб, агротехника тадбирларини сифатли амалга ошира бошлаган миришкорлар мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпладилар. Ғўза тупларида гуж-гуж кўсак, айрим тупларда икки-учтадан очилган кўсакларни учратасиз.

— Бу ёз бўйи қилган фидокорона меҳнатимизнинг самарасидир, — дейди Турсуной бригада аъзоларига очилган пахтани кўрсатиб, — лекин парваришни йиғим-терим бошланғунча бўшаштирмаслигимиз лозим.

Ҳақиқатан ҳам шундай қилинмоқда. Айрим қарталар танлаб суғорилаётир. Шарват суви оқизиш давом эттирилмоқда.

Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бу трактор-далачилик бригадасида машина теримига ҳамма нарса тахт қилинмоқда.

Й. УРИНБОЕВ.

☆ ☆ ☆ ФИДОКОРЛАР ☆ ☆ ☆



Суратда: колхоз агрономи Пак Су Сан (ўнгда) ва бригада бошлиғи Хан Ир Себ ўртоқлар очилган пахтани кўздан кечирмоқдалар.

Роса тер тўкиб меҳнат қилишганлиги кўриниб турибди, азаматларнинг. Ҳар туп ғўзада 10 — 12 тадан бўлиқ кўсак бор. олди кўсаклар очилиб чаноқда куліб турибди. Лекин колхозчилар, етарли ҳосил тўпладик, хотиржам юрсак ҳам бўлади, деган кайфиятга берилмаганлар. Ҳозирги кунда ҳам далада иш қизғин бораяпти. Бир группа колхозчилар эгат оралаб бегона ўтлар учрагундай бўлса юлиб ташламоқдалар, ҳосилини кўтара олмай ётиб қолган айрим ғўза тупларининг қаддини ростлаб қўймоқдалар. Яна бир группа колхозчилар карта четларидаги сув йўлларини тозалаб, ўтларини қириб заараркунандаларга қарши курашаётирлар.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Терентий Васильевич, — ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганмиз. Мақтаниш эмас, ҳозир тўплаган ҳосилимиз мажбуриятни бажариш имкониятини беради.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз далаларида ҳақиқатан ҳам меҳнат авжида. Бу сертармоқ хўжалик 560 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Шундан 300 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди. Ҳозиргача барча майдондаги ғўзалар беш марта узунасига, беш марта кўндалангига парвариш қилинибди, тўрт марта озиқлантирилди. Ўз вақтида қондириб суғорилди. Ҳозирги кунда ҳам танлаб суғориш давом этмоқда.

Колхоз машина теримига пухта тайёргарлик кўраяпти. Бунинг учун 290 гектар ер ажратилган. Бу йил колхоз далаларида 6 та пахта териш машинаси ишлайди. Мавжуд СХМ-48 М машиналари шай қилиб қўйилган. Механизаторлардан Вон Сергей, Ким Андрей, Лим Антон ўртоқлар мавсумда 100 — 170 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Шуниси қувончлики, колхозда ғўза паварииши йиғим-теримга тайёргарлик ишлари билан боғлаб олиб борилмоқда. Битта газ сушилкаси бор эди, у ремонтдан чиқарилди. Битта асфальтланган майдонча тахт қилинди.

Колхозда кўпминг кило граммчи теримчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Заҳро Жекисова, Тошбувй Новрўзова, Солиҳа Турдиалиева сингари ўртоқлар мавсумда 10 — 15 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Ана шундай фидокор кишиларнинг иши билан таниниб, Ким Ис Нок Хан Ир Себ ўртоқлар бошлиқ пахтачилик бригадалари далаларини кўздан кечириб, қанор ўриши қизитиб юборилган карталарга йўл олдик.



Сут соғувчи Пак Мен Сук.
М. Нуриддинов фотолари.

Каноп етиштирувчи бригадаларнинг ишн ҳам кишини хурсанд қилади. Мана биз колхознинг 5-бригада даласидамиз. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 155 центнердан каноп пояси топширган эди. Бу йилги ҳосил яна ҳам мўл бўлибди. Каноп поялари жуда дуркун ривожланган. Худди ўрмон ичига кириб қолганга ўхшайсиз. Ун-ўнбеш азамат чақконлик билан каноп поя ларини ўраяпти. Буларнинг ёнгинасида трактор гуруллаб турибди: НП-9 агрегати бигаи ўрилган каноп поялари пешма-пеш шилинмоқда. Шилинган поя ларни колхозчилар бир чеккадан ёйиб кетмоқдалар.

— Ўримни бошлаганимизга етти кун бўлди, — дейди бригада бошлиғи, — бу ишни биринчи октябрдан кечиктирмасдан тугаллашни мўлжал қилиб турибмиз.

Лубчиларнинг аҳди катта. Колхоз бўйича 1250 гектар ерда каноп етиштирилди. Жумладан, 300 гектар ерга уруғлик каноп экилган. Ҳар гектар ердан кам деганда 160 центнердан кўкпоя топширишга аҳд қилган колхозчилар кундан-кунга суръатни кучайтирмоқдалар. Шу кеча-кундузда колхоз далаларида 36 та НП — 9 агрегати ишлаб турибди. Ҳар бир агрегат билан кунига 13 тоннадан каноп пояси шилинаётир.

Каноп ўриш ва уни давлатга топширишда Цой Ген Вон ва Абдугаффор Комилжонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар айниқса ғайрат кўрсатмоқдалар. Ўролбек Пернибоев, Ким Чун гун, Ким Евгений, Цой Мирон сингари ўртоқларнинг ҳар бири кунига 7 сотихдан ердаги каноини ўраяптилар. Трактории Рашид Холтурсунов НП-9 агрегати билан кунига 15 тоннадан каноп поясини шилишни таъминламоқда.

Ўрим кучайтириб юборилган ҳозирги пайтда ҳам парвариш ишлари тўхтатилмаган.

Бундай фидокор кишилар колхоз фермасида ҳам кўп экан.

— Ҳозиргача 16 минг тонна силос бостирдик, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари бизни ўша томонга бошлар экан, — силос — сут, гўшт, мой деганлари ҳақ экан. Мана, ҳозир фермамизга бориб у ердаги ишлар билан танишсангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Фермадаги сут соғувчилар бир-биридан ўзишга ҳаракат қилиб меҳнат қилишаяпти. Ҳар ким мумкин қадар кўп сут соғиб олиб, мусобақада ютиб чиқсам дейди. Биз ана шу илғорларнинг илғори, кўп йиллик тажрибага эга бўлган сут соғувчи Пак Мен Сук билан таништик. Фотомухбиримиз уни суратга олди. Бу фидокор аёл ҳозиргача ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан 4150 килограммга етказиб сут соғиб олибди. Марра 6 минг килограмм, дейди у. Ли Ген Жа, Ким Ольга сингари сут соғувчилар ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Фермада хаммаси бўлиб 260 бош сигир бокилмоқда. Ҳар бир соғин сигирдан кам деганда 3 минг литрдан сут соғиб олиш учун курааш кетаяпти.

Колхознинг пахта усталари, звенолари, чорвадорлари қишлоқ хўжалик махсулотларини мўл-кўл қилиш йўлида ана шундай баракали меҳнат қилмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

ТУРСУНОЙЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда бу йил етиштирилган ҳосилнинг 50 процентини машинада теришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шуниси қувончлики, колхозда турсунойчилар сафи кенгайди. Умманой Жониқулова, Зайнабхон Ғойибова, Онахон Султонова, Турдихон Боймурадова ўртоқлар районда очилган механизация мактабида ўқиб машина ҳайдашни ўрганиб қайтдилар. Ҳозир улар машина теримига ажратилган далаларда ғўзанинг сифатли парвариш қилинишига кўмаклашмоқдалар.

— Ҳар биримиз машина билан кам деганда 150 тоннадан пахта терамиз, — дейди Умманой Жониқулова. Машиналаримиз теримга шай.

Ф. ЗИЁДИЛЛАЕВ,
Н. ҒОФУРОВ.

Далалардан ДАРАКЛАР

Ўрта Чирчиқ. 117 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган Куйбишев номли колхознинг 6-бригадаси аъзолари август ойида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирдилар. Айниқса ҳосили кам, авжи паст ғўзалар алоҳида парвариш қилинди. Ҳосил элементларини кўпайтиришда Х. Бозоров, З. Эргашев каби тажрибали сувчиларнинг хизмати катта бўлди. Ғўзалар қониб сув ичгани ва сифатли парвариш қилингани туфайли яхши ривожланиб, кўсаклар кўпайди. Бригада аъзолари ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар.

П. Тожиев.

* * *

Сирдарё. Ўртоқ М. Исроилов «1 Май» колхозида ўн йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлади. У ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, йиллик планини муддатидан олдин бажаради, йиғим-теримни барвақт тугаллайди.

Бригада аъзолари бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, умумхалқ мусобақасида ғолиб чиқиш учун астойдил курашмоқдалар 195 гектар ердаги ғўза тўрт марта комплекс парвариш қилинди. Бригада аъзолари шу кеча-кундузда ҳам ғўза парваришини сусайтирмасдан, аксинча кучайтираётирлар. Ғўза талабига қараб бир суғорилмоқда. Етиштирилган ҳар бир кўсакни нобуд қилмаслик тадбирлари амалга оширилаётир.

Х. Сойбназаров.

* * *

Гулистон. «Гулистон» совхозининг 3-бўлими ерлари яқинда ўзлаштирилган. Бўлим ишчилара пахта майдонини йилдан-йилга кенгайтириб, ҳосилини оширишга муваффақиятли эришмоқдалар. Бўлим коллективи бу йил ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқда.

Барча майдондаги ғўзалар агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилинди, чеканка барвақт ўтказилди.

Б. Сойбназаров.


* * *

Мирзачўл. «Москва» колхозининг моҳир механизаторлари ғўзани парвариш қилишда зўр ғайрат кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири 500 — 550 гектар майдондаги ғўзага ишлов бердн. Азамат механизаторлар пахтани машинада теришга ҳам ҳозирлик кўраётирлар.

Тракторчи Кўчим Раззоқов бу соҳада бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У колхознинг 600 гектар ердаги галласини ўриб берганидан кейин, пахта териш машинасини ремонт қилишга киришган эди. Кўчим бу йил 200 тонна «оқ олтин»» териб бермоқчи. У ваъдасининг устидан чиқиш мақсадида ўзига биркитилган ва ҳосили машинада териладиган ерлардаги ғўзаларни сифатли культивация қилмоқда.

Қ. Қозоқбоев.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА



Тошкентдаги Отчопар маҳалласи аҳолиси янги ўқув йили арафасида совға олди. 117-ўн бир йиллик мактаб бинои қурилиб фойдаланишга топширилди. Мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилади. Сурат да: мактабнинг ташқи кўриниши.
Ж. Ваҳобов фотоси.

ЖАМҒАРИЛГАН МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИГА МАКТАБЛАР

Тошкентда, Жарқўчада ўрта мактабнинг уч қаватлик янги биноси қад кўтаришини бундан икки ой илгари ҳеч ким, ҳатто шаҳар халқ маорифи бўлими ҳам билмаган эди. Бу мактаб қурилишига маблағ ҳам, бинокорлик материаллари ҳам ажратилмаган эди. Бундай бинони шунчалик қисқа муддат ичида қуришни ўз зиммасига оладиганларнинг топилиши ҳам гумон эди.

Бу ишни Ўзбекистон пойтахтида илғор ҳисобланган 159-трестга қарашли 8-қурилиш бошқармасининг ишчилари ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Эшбой Нурматовнинг таклифига мувофиқ ўз зиммаларига олдилар. Эшбой Нурматов ва шу бригадада ишлаётган унинг хотини Сананинг етти боласи бор, бу болалардан бештаси мактабда ўқийди. Болаларнинг турли сменаларда ўқиши оила учун қанчалик ноқулай эканлигини ота-она яхши билади. Шунинг учун ҳам улар ярим йиллик планнинг оширилган бажарилганига бағишланган ишлаб чиқариш йиғилишида бундай дедилар:

— Бошқармамиз кўп маблағ ва материаллар тежади. Келинг, болаларимизга совға қилиб, ана шу жамғармалар ҳисобига сентябргача мактаб қуриб берайлик.

Бу таклифни ҳамма қурувчилар ва бошқарма раҳбарлари қўллаб-қувватлаганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Графикни жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига асосий участкаларда махсус комплекс бригада ташкил этилди. Бу бригада 58 кун ичида ўқув корпусини ва ўқувчилар ошхонасини қуриб бўлди, бинога электр, водопровод ва иситиш магистралини ўтказди. Ҳозир янги бинода сўнгги ишлар — пол бўяш ишлари битай деб қолди. Бино Тошкентдаги 123-мактабга топширилди. Эндиликда бу мактабдаги машғулотлар бир сменалик бўлади.

Ташаббускор бинокорлар бу йил тежалган маблағ ва материаллар ҳисобига 55-мактаб учун яна бир ўқув биноси қуриб беришга қарор қилдилар.
(ЎзТАГ).

МАОРИФ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

«Ўқув-тарбия ишлари савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарайлик!» Тошкент шаҳар, Октябрь район мактаблари ўқитувчиларининг август ойи методик кенгаши ана шу шиор остида ўтди.

Кенгашда район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Маликова «Ўқишни умумий ишлаб чиқариш ҳамда фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш ва мактабда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш ҳақида» доклад қилди.

Ўтган ўқув йилида район мактабларида 47105 бола таълим олди. Ўрта мактабларни эса 2522 ўқувчи муваффақиятли тамомлади. Улардан 981 ўғил-қиз саноат корхоналари ва ташкилотларда ишламоқда.

Бу йил оталик ташкилотлари мактабларда машғулотларни бир сменага кўчиришдек муҳим ишга яқиндан ёрдам бердилар. «Узремвес» заводи 120- мактабни янги ўқув йилига барвақт тайёрлашга яқиндан кўмаклашди. 123- ўрта мактаб эса таксимотор парки ёрдами билан янги ўқув устахоналарига эга бўлди.

Оталик ташкилотлари ташаббуси билан район мактабларига 40 дан ортиқ қўшимча синф хоналари қўшилди. Бу эса машғулотларни уч сменада олиб боришга чек қўйиш имконини беради. 10 га яқин мактаб эса бир сменали машғулотларга кўчади.

Кенгаш қатнашчилари район халқ маорифи бўлими мудири ўртоқ Т. Дадашевнинг «Ўқув-тарбия ишларининг бориши ҳамда ўқувчиларга коммунистик тарбия беришнинг методлари», район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Д. Алиевнинг «Мактаб комсомол ва пионер ташкилотлари ишларини янада яхшилаш» ҳақидаги қўшимча докладларини ҳам тингладилар.

Докладлар юзасидан бўлган музокарада ўқитувчилардан М. Иноятова (84-мактаб), Г. Понамарюк (34- мактаб), А. Мирзаев (95- мактаб) ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўқув-тарбия ишлари билан боғлиқ бўлган актуал масалалар ҳақида гапирдилар.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

Булар ҳам бир сменага ўтдилар

Октябрь районидаги 106-саккиз йиллик мактабда машғулотларни бир сменага кўчириш учун 5 та қўшимча хона ажратилди. Ремонт ишларида юқори синф ўқувчилари актив иштирок этдилар. Уларнинг ёрдами билан дурадгорлик устахонаси ҳам кенгайтирилди.

Бу ўқув йили мактабда 400 дан ортиқ ўқувчи бир сменада таълим олади.

Мактабда ўқувчиларга дарсликлар тарқатиш муваффақиятли тамомланди. Янги ўқув қуроллари ҳам сотиб олинди. Булар учун 7 минг сўм сарфланди. Мактаб янги ўқув йилига тайёр.

Т. ЮНУСОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ рейд бригадаси

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ТАЙЁРМИ?

Бу йил оққўрғонликлар 42 минг тонна пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Айрим хўжаликларда мўл ҳосилнинг дастлабки нишоналари кўрина бошлади. Янги пахта ҳосили қаноларга тушадиган пайт яқин. «Оққўрғон» совхозида эртапишар 47 — 27 С сортли чигит экилган ерларда пахта очила бошлади. Уни кўрган кишининг кўзлари қувончдан порлайди.

Ҳозир районда ҳосилни машина билан териб олишдек муҳим ишга тайёргарлик кўрилмоқда. Район қишлоқ хўжалик бўлимининг ва колхозларнинг агрономлари машина билан пахта териладиган пайкалларни бирма-бир айланиб, қайтадан кўриб чиқмоқдалар. Илгари белгилаб қўйилган карталар машина билан теришга мос келмай қолган бўлса бошқа муносиб карталарни ажратмоқдалар. Шунингдек ҳар бир картадаги ғўзанинг аҳволига қараб қай вақтда дефолиация қилиш лозимлигини белгилаб чиқмоқдалар. Бу шубҳасиз яхши тадбир.

Механизаторлар, РТС ишчилари пахта териш машиналарини тайёрлаш учун зўр ғайрат қилдилар. «Оққўрғон» совхозидаги 114 пахта териш машинасидан 102 таси тайёр бўлди.

Пахта териш техникасини тайёрлашда РТС ишчиларидан А. Жуков, М. Янбаев, В. Соловьев, Ленин номли колхоздан келган С. Холбоев, Ш. Абдураимов, И. Халимуллин, Карл Маркс номли колхоздан келган Х. Тожиқулов, Ким Алексей каби ўртоқлар, айниқса, яхши ишладилар.

Бироқ райондаги барча пахта териш машиналари тўла тайёр деб бўлмайди. Колхозлардаги пахта териш машиналарининг аппаратлари ремонтдан чиқарилган бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси тракторларга осилмаган. 47 пахта териш машинасининг аппаратидан ҳозиргача 34 таси трактерга осилди. Қолган 13 трактор энди ремонт қилинмоқда. Колхозлардаги 17 та СХС — 1,2 машинасидан 7 таси тайёр эмас.

Пахта териш машиналарида ишлайдиган механик-ҳайдовчиларни ҳозирлаш масаласида аниқлик йўқ. Пахта териш машиналарини икки сменада ишлатиш учун район бўйича 394 механик-ҳайдовчи керак. Лекин неча кишини механик-ҳайдовчилар мактабида ўқитиш зарурлигини район қишлоқ хўжалик бўлимидаги ўртоқлар ҳам, РТСдаги ўртоқлар ҳам аниқ билмайдилар. Қўшимча механик-ҳайдовчилар тайёрлаш учун 34 кишилик курс очиш тўғрисида план тузилган. Лекин РТСдаги курсда фақат 19 киши ўқияпти. Нега бундай десангиз, шунинг ўзи етиб қолса керак дейдилар! Сталин номли колхоз бу курсга тўрт киши ўрнига 3 киши, «Октябрь 40 йиллиги» колхози тўрт киши ўрнига икки киши юборган. Карл Маркс номли, «Ленинобод» колхозлари эса ҳечкимни юбормадилар.

Машина билан териладиган пахтанинг бир қисмини қоп-қаноpсиз ташиш планлаштирилган. Лекин бу ҳақда колхоз раислари, бригада бошлиқлари ўёқда турсин, ҳатто район қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи ўртоқ Валиевнинг ўзи бирор таклифни айтмаяпти.

Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Турдимат Мирзаев «Ўтган йили биз қоп-қаноpсиз пахта ташишни тажриба қилиб кўрдик, яхши бўлар экан» деди. Агар ундан, қоп-қаноpсиз пахта ташиш қандай ташкил қилинган эди, деб сўрасангиз «Пахтани қопламай четанли аравага солиб пунктга олиб бордик. У ерда қоплаб туриб, бунтга ташиб чиқардик» дейди. Демак, ўртоқ Мирзаевнинг гапига қараганда пахта колхозда қопланмаптн-ку, пунктга келтирилгандан кейин қопланибди! Чучвадан мақсад гўшт ейиш дегандай, қоп-қаноpсиз пахта ташишдан мурод меҳнатни тежаш, қоп-қаноpга бўладиган харажатларни иқтисод қилиш, шу билан пахтанинг таннархини камайтириш ва иш суръатини тезлаштиришдан иборатдир.

Пахтани қоп-қаноpсиз ташишдек прогрессив методга юзаки ва бефарқ қараб бўлмайди. Бу ҳақда кўпгина ташкилий ишлар қилиниши ва тушунтиришлар ўтказилиши, қайси колхознинг қайси бригадасида бу ишни ташкил қилиш лозимлиги ҳозирданоқ белгиланиши ва унга зарур тайёрлик кўрилиши керак.

Машина билан пахта теришни муваффақиятли ўтказиш пахта майдонларининг ўтдан тозаланишига ҳам боғлиқ. Бироқ бу соҳада айрим колхозларда жиддий камчиликлар бор. Куйбишев номли колхознинг М. Махбузов, М. Худойбердиев, А. Турдибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида анчагина ер машина билан теришга ажратилган. Лекин бу ерлардаги ғўзани ўт босиб ётибди. Ленин номли колхознинг ўртоқ Д. Холжигитов бошлиқ бригадасида ҳам аҳвол айнан шундай. Бундай ўт босган ерларни Ворошилов номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида ҳам учратиш мумкин.

Оққўрғонликларнинг машина билан пахта теришдаги ниятлари жуда яхши. Лекин бу ниятга шак-шубҳасиз етиш учун ҳозир ишда юз бераётган камчиликлар тезда бартараф қилиниши керак.

Қ. САРИМСОҚОВ,
«Сталинчи» газетасининг редактори.

Т. МАМАТОВ,
«Оққўрғон» совхози ишчилар комитетининг ходими.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ўқитувчиларга ёзади

„Мақтанганнинг уйига бор

Газетанинг шу йил 26 июль сонида босилган «Мақтанганнинг уйига бор» сарлавҳали мақолада Ворошилов номли колхозда ғўза парваришида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинган эди. Оққўрғон район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нишонбоевнинг редакцияга хабар қилишича, текширишда мақолада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган.

Мақола колхознинг ҳамма бригадаларида ҳамда очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинган. Ғўза парваришида агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйгани учун 9-бригада бошлиғи Саидов бригадирлик вазифасидан олиб ташланган. 5-бригада бошлиғи Ҳамдамов ва 8-бригада бошлиғи Қодиров ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган.

Мақола муҳокама қилингандан кейин 5-бригадада ғўза парваришида қатнашаётган колхозчилар сони 7 кишига кўпайган, 10 кунда 64 гектар ердаги ғўза узунасига ва 94 гектар ердаги ғўза кўндалангига культивация қилинган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3- БЕТ, 30 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

2 ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Гулистон районидаги «Октябрь» колхози бу йил давлатга 30 тонна аъло сорт чўчқа гўшти сотди. Бу ерда ҳамма чўчқа бўрдоқи қилиб боқиляпти. Энг яхши боқилган айрим чўчқаларнинг тирик вазни 350 килограммгача етди.

Колхозда чўчқачилик йил сайин ривожланмоқда. Ҳозир бу ерда 680 та чўчқа бор. Колхознинг илғор чўчқабоқари Ефим Тюрин Ярослав Чиж методи билан ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда. У ўз қўлидаги она чўчқаларнинг ҳар биридан ҳозиргача 12 тадан бола олди.

Колхозда сутчилик, паррандачилик ҳам ривожланмоқда. Андрей Тимофеевич Леонид, Мария Удовченко, Анастасия Рачковская, Зоя Эрина каби моҳир сут соғувчилар бор. Улар 240 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2180 ўрнига 2500 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Фермадаги алоҳида бузоқхонани колхозчилар ферманинг «яслиси» дейишади. Бу «яслида» 150 бузоқ парвариш қилинмоқда. Бузоқлар яхши боқилаётганидан уларнинг ҳар бири бир суткада 600—750 граммгача семиряпти.

Бу колхозда паррандачилик фермаси ҳам бор. Бир томонда товуқлар дон еб, иккинчи томондаги ҳовузда ўрдаклар сузиб юрибди. Товуқлар сони 6 мингга, ўрдаклар сони 2500 га етди. Бу йил паррандабоқарлар 8,5 тонна товуқ ва ўрдак гўшти етиштириш учун курашаётирлар.

Қорамол, чўчқа ва парранда гўшти етиштиришга алоҳида аҳамият берилгани учун колхоз давлатга ярим йилда икки йиллик миқдорида гўшт топширди.

С. НОРМАТОВ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ШИФЕР ЗАВОДИ

Оржоникидзе районидаги Қўйлиқ қишлоғида шифер ишлаб чиқарувчи завод қурилди. Бу янги корхона қурилиш ташкилотларига йилига 1 миллион донадан ортиқ шифер етказиб бераолади.

Ж. ҲОШИМОВ.

Кутубхона дарсликлар билан бойимоқда

Тошкент давлат медицина институтининг кутубхонаси янги китоблар билан бойиб бормоқда. Янги ўқув йили бошланиши олдидан кутубхонага 2000 га яқин дарслик китоблар олинди. Булар ичида микробиология, терапия, психатрия фанлари бўйича кўплаб қўлланмалар бор.

А. КИМ.

Экскаваторлар канал трассасида

ЯНГИЕР, (ЎзТАГ). Жанубий Мирзачўл каналининг қурувчилари ер қазиш ишларининг август ойи планини муддатидан илгари бажардилар. Бу йирик сув магистрали қурилишида одимловчи 11 экскаватор ва 50 дан ортиқ бошқа ер қазиш машиналари ишлаб турибди.

Каналнинг 93 километрлик биринчи навбат қисмида ишлар айниқса қизғин бораётир. Бу каналга октябрь ойида сув қўйиш мўлжалланади.

Канал трассасида Катта Ўзбекистон йўли сув магистралинц кесиб ўтадиган жойда йирик докер ва кўприк қурилиб бўлди. Темир бетондан қилинган яна иккита тўсиқ иншооти битай деб қолди.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

РОССИЯ ТАБИАТИНИНГ АЖОЙИБ КУЙЧИСИ


Бугун таланлтли рассом, моҳир санъаткор ва Россия табиатининг ажойиб куйчиси Исаак Ильич Левитаннинг туғулганига 100 йил тўлади. Левитан махсус маълумотни Москвадаги рассомчилик билим юртида (1873—1884 йиллар) олади. Билим юртида талантли санъаткорлардан А. К. Савросов ва В. Д. Паленов унга раҳбарлик қиладилар.

Левитаннинг ижоди ўтган асрнинг 80-90-йилларида шаклланади. Россия табиати образлари воситаси билан она-Ватан темасини акс эттириш Левитаннинг бутун ижодида сезилиб туради. У ўзининг дастлабки асарларида Москва атрофидаги табиат манзараларини чизади. Бу асарларида у кўпроқ раем-нинг ташқи безагига эътибор берган. Кейинчалик эса, санъаткор ўз асарларининг чуқур маънога эга бўлиши, табиат манзараси орқали ҳар хил кайфият ва ҳис туйғуларини акс эттиришга интилади.

Левитан Савросов ва Паленовларнинг ижодий муваффақиятларига суяниб, ўз асарларида катта умумлашмалар ҳосил қилишга, табиат манзараси орқали кишини қаяжонга солувчи бадиий образ яратишга ҳаракат қилади. У ана шу образларни излаб 1886 йилда Волга бўйлаб саёҳатга чиқади. Бу саёҳат Левитан учун, ўз вақтида И. Репин айтганидек, «рассом ва инсон мактаби» бўлди.

Улуғ рус дарёси ёқасидаги табиат манзараларига халқ кўзи, фикр ва туйғуси билан қараган Левитан Волга бўйлаб бир неча марта саёҳат қилиб, ўзининг энг яхши картиналарини яратади. Шулардан бири «Волга оқшоми» (1886—1888) асаридир. Левитан бунда табиатнинг даҳшатли кучини ва унинг бепоён кенг бағрини ёрқин бўёқларда тасвирлаган. Рассомнинг ватан тўғрисидаги фикр-ўйлари, ҳуқуқсизлик ва жабр-зулмга қарши норозилиги «Владимировка» картинасида бўртиб кўринади. 1892 йилда яратилган бу асарда Левитан катта социал мазмунни акс эттирган. Картинада халқ бахти-саодати учун курашган минглаб фидокорларни чор ҳукумати Сибирга ҳайдаб кетадиган узоқ ва тинкани қуритувчи йўл тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу маънода «Владимировка» оддий табиат манзараси бўлиб қолмай, балки тарихий полотнодир.

Левитан ижодининг асосий мазмунини ёрқин келажакка ишонч ва табиатнинг гўзаллиги ҳамда ҳаётбахш кучини акс эттирувчи асарлар ташкил этади. «Олтин куз», «Март», «Баҳор — катта сув» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.



Рассом умрининг сўнгги йилларида Франция, Италия ва Германияга ҳам боради. Аммо бегона мамлакатлар табиати унга илҳом бахш этолмайди.

Левитан ўзининг «Кўл» номли асарини оғир юрак касалига учраган вақтида яратади. У бу картинасини «Русь» деб аташни мўлжаллаган эди. Ҳақиқатан ҳам бу расм санъаткорнинг бутун ҳаёти якуни, талантининг чўққиси бўлиб қолди. Левитан бунда Россия табиатининг ўзига хос гўзаллиги, рассомнинг она тупроққа бўлган муҳаббтини юксак маҳорат билан акс эттирган.

Қашшоқлик, чор чиновникларн ва полициясининг қувғинлари рассомнинг соғлигига ёмон таъсир этади. У 1900 йилда, ижоди камолатга эришган вақтда 40 ёшида вафот этди.

Туғилганига 100 йил тўлган кунда моҳир рассом Левитанни санъат мухлислари чуқур ҳурмат билан эсга олмоқдалар.

Т. ОДИЛБЕКОВ.


„Ўзбекистон социал таъминоти“ журналининг янги сони

Журналнинг яқинда босмадан чиққан 4-сони илгаригиларидан форма ва мазмун жиҳатидан катта фарқ қилади.

Бу сон социал таъминот органларидаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳақидаги бошмақола билан бошланади. «Илғорлар минбари» рубрикаси остида Тошкент шаҳар Куйбишев район социал таъминот бўлими ва пенсионерлар советининг илғор иш усули кенг ёритилган. Ўзбекистон ССР социал таъминот министрининг ўринбосари Ж. Бурҳоновнинг «Айрим нуқсонлар» сарлавҳали мақоласида кексайган колхозчиларга пенсия тайинлаш ва тўлашда йўл қўйилаётган камчиликлар очиб ташланган ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Шунингдек бу сонда республика кар-соқовлар жамиятининг съезди олдидан жамият раиси О. Тошхўжаевнинг мақоласи ва «Тошкент ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида» сарлавҳали фотоочерк берилган.

Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхознинг кекса пахтакори Абдували ота Тошматов ҳақидаги «Тўқсон баҳорни кўриб...», кўрлар кўзини очишда катта муваффақият қозанаётган тошкентлик врач Маҳаматжон Комилов тўғрисидаги «Бахт» сарлавҳали зарисовкалар ҳамда «Инспекторнинг эсдалик дафтари» сарлавҳали фельетон ва карикатуралар кўп журналхонларни қизиқтиради.



«Тошкент» аэрология станцияси суткасига 4 марта атмосферага радиозонд чиқаради. Передатчикли бу радиозонд ёрдамида атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳавонинг босими, температураси, намлиги аниқланади. Суратда: аэролог-техниклардан В. А. Осокина ва Р. А. Шабанова ўртоқлар осмонга радиозонд чиқараётирлар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Халқаро аҳвол

Пауэрс процесси тўғрисида Америка юристининг айтганлари

Американинг атоқли юристи Винсент Холлинэн, ўз илтимосига кўра, Москвада суд процессидан кейин унга Пауэрс билан суҳбат қилиш имконияти берилганлигини ТАСС мухбирига айтган.

Холлинэн Пауэрс устидан бўлган суд процессида иштирок қилди. У 26 августда АҚШга учиб кетди.

Пауэрс мен билан бўлган учрашув вақтида, деди Холлинэн, ҳўжайинлар унга совет радар системаси гўё етарли даражада эффектли эмас ва 20 минг метр баландликда сени уриб тушира олмайдилар, деб ишонтириб, уни алдаганликлари тўғрисида менинг фикримга қўшилди.

Америкалик юрист айтдики, Пауэрс Совет Иттифоқига қарши катта жиноят қилишда сўзсиз айбдидир ва қонунга мувофиқ ўлим жазоси берилишига қадар янада қаттиқ жазога тортилиши мумкин эди. Холлинэн ҳукмнинг «жуда муътадил» бўлганлигини таъкидлаб, яна «мен бу ҳукмни ҳимматли ҳукм деб айтар эдим», деб қўшиб қўйди.

Сўнгра Холлинэн айтдики, Пауэрс устидан бўлган процессда ҳақиқий айбдор Эйзенхауэр ҳукумати бўлди. Бу ҳукумат шу процессда бутунлай фош қилиб ташланди. Пауэрс ҳақиқатда Американинг катта фойда кетидан қувиш қуроли ва СССРга қарши ҳарбий фитна қуроли бўлди.

Америкалик юристнинг фикрича, Пауэрс устидан суд «мутлақо объектив суд бўлди». Холлинэн суд томонидан «судланувчини қўрқитиш, довдиратиш ёки чалғитиш учун ҳеч қандай уриниш бўлмади», деб айтди.

«Мен,— деб қўшимча қилди Холлинэн,— Пауэрс иши юзасидан давлат қороловчиси Руденко ўзини қандай тутган бўлса, Америка прокурорининг ҳам ўзини шундай тутишини истар эдим».

Винсент Холлинэнга, сиз ўзгаларнинг территорияларидаги Америка ҳарбий базалари тўғрисида қандай фикрдасиз,— деб савол берилди.

Пауэрс процесси, деб жавоб қайтарди у, бу базаларнинг СССРга қарши қаратилганлигини тасдиқлади. Америка юристи айтдики, «агар бошқа давлатларнинг АҚШ атрофида базалари бўлганида эди, у тақдирда биз, америкаликлар, бу давлатлар бизга ҳужум қилмоқчи эмас, дейилган ҳар қандай далилларга қулоқ солмаган бўлур эдик».

У таъкидладики, АҚШнинг ҳарбий базаларини бошқарувчи кишилар Совет Иттифоқига шунчаки душман кишиларгина эмас, балки унчалик кўп фаросатли бўлмаган ва дунёни гоят мусибатли вайронагарчиликларга дучор қилишлари мумкин бўлган кишилардир.

Холлинэн суҳбат охирида бундай деди: «Агар Совет Иттифоқи ҳарбий жиҳатдан кучсиз бўлганида эди, Америка ҳарбийлари унга ҳужум қилишга журъат қила олган бўлур эдилар, аммо ҳозир улар уруш бошлашга журъат қила олмайдилар».

СССР БИЛАН КОНГО РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 27 август. (ТАСС). 26 августда Конго Республикасининг бош министри Патрис Лумумба бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг чет эллар билан маданий алоқа давлат комитетининг раиси Г. А. Жуковни қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди. Суҳбат давомида Конго Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий алоқа масалалари муҳокама қилинди. Ана шу алоқаларни бир-бирини ҳурмат қилиш, суверенитет ва тенглик асосида бутун чоралар билан ривожлантириш ҳақида ҳар иккала томон ҳам истак билдирди. Суҳбат вақтида СССРнинг Конго Республикасидаги элчиси М. Д. Яковлев ҳозир бўлди.

Г. А. Жуков маориф ва маданият масалалари билан шуғулланадиган министрликларнинг раҳбарлари билан ҳам учрашди. Суҳбатлар давомида маданият ва маориф соҳасида Совет-Конго ҳамкорлигининг амалий масалалари муҳокама қилинди ҳамда ана шу соҳада конкрет тадбирлар белгиланди. Шу жумладан, Конго студентларидан 150 киши совет олий ўқув юртларида таълим олмоқ учун яқин вақт ичида Москвага жўнаб кетадилар.

Конго ҳукумати қўшинлари қўғирчоқ кон-руда давлатининг пойтахтини ишғол қилдилар.

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС). Элизабетвилдан олинган хабарларга қараганда, Конго ҳукуматининг қўшинлари «Шасаи кон-руда республикаси» деб аталадиган А. Калонжи бошчилигидаги қўғирчоқ республика ҳукуматининг қароргоҳи Бакванга шаҳрини ишғол қилганлар. 25 августда Катанга ҳамда «Касаи кон-руда республикаси»нинг қўғирчоқ «президентлари» Чомбе билан Калонжи «Катанга ва Касаи республикалари конфедерациясини» тузиш ҳамда ана шу республикаларни биргаликда мудофаа қилиш тўғрисидаги битимни имзолаганлар. Бироқ, Калонжининг ёрдам бериш ҳақидаги даъватларига қарамай, ҳозирги кунда Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, «Элизабетвилда биринчи галда Катанганинг ўзини мудофаа қилиш масалалари билан бош қотирмоқдалар».

Пойтахтимиз меҳмонлари

Ҳиндистон Госплани раисининг биринчи ўринбосари ва Министрлар кабинетининг секретари доктор С. Р. Сен Ўзбекистонга келди.

С. Р. Сен республикага келишининг дастлабки икки кунида «Оқ қўрғон» совхозига борди ва Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари билан танишди.

* * *

Гвинея республикаси маориф ходимларининг делегацияси Ўзбекистонда халқ маорифининг ташкил этилиши билан танишиш учун республикага келди. Делегацияга Гвинея маориф министрлигининг инспектори Арибо Мамаду бошчилик қилмоқда. (ЎзТАГ).

ҲИНДИСТОННИНГ УЧИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ

ДЕҲЛИ, 27 август. (ТАСС). Ҳиндистон парламентининг халқ палатаси мамлакатни ривожлантириш учинчи беш йиллик плани лойиҳасини 4 кун муҳокама қилганидан кейин кеча тасдиқлади.

БИРМА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС). Бирма Германия Демократик Республикаси билан консуллик муносабатлари ўрнатишга қарор берди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Рангундан хабар беришича, Бирма ташқи ишлар министрлиги ўзининг бугунги баёнотида шу ҳақда хабар қилган.

КУБАДАГИ АМЕРИКА КОМПАНИЯСИ ЭКСПРОПРИАЦИЯ ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Гаванадан хабар қилишича, Куба ҳукумати Америка Қўшма Штатларига қарашли «Свифт мит пэкинг кампани» фирмасини экспроприация қилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИГА

Ҳурматли ўртоқ редактор! «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 17 август сонида ўғлим Абдухалиннинг йўқолиб қолганлиги тўғрисида эълон босилган эди. Шундан кейин жамоатчилик газетанинг ёрдамида ўғлимни топишга кўмаклашди. Бу катта ёрдами учун редакцияга ҳамда жамоатчиликка оиламиз номидан чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Ғафур ДЎСМАТОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

XVII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА

РИМ, 27 август. (ТАСС). Классик кураш бўйича бугун ўтказилган мусобақаларда минскли студент Николай Чучалов (ўрта вазн) Л. Израельссон (Швеция) устидан, Гиви Картозия (СССР) (ярим оғир вазн) эса бир неча бор жаҳон чемпиони америкалик Х. Жорж устидан ғалаба қозонди.

Совет спортчиси Иван Кочергин (энг енгил вазн) билан Р. Уилсон (Америка Қўшма Штатлари) ўртасидаги учрашув дуранг бўлди.

* * *

Оғир вазндаги совет курашчиси (109 килограмм), киевлик ҳарбий хизматчи Иван Богдан бугун курашнинг олтинчи минутида турк спортчиси Т. Тарри устидан ғалаба қозонди.

* * *

Бугун қиз-жувонлар ўртасида уч метрлик трамплиндан сувга сакраш бўйича ярим финал мусобақалар бўлди. Қиз-жувонлардан 3 спортчи, шу жумладан 98,38 очкога эга бўлган И. Кремер (Германия) ва 92,19 очкони қўлга киритган Н. Крутова (СССР) финалга чиқди.

* * *

Ярим енгил вазндаги совет курашчиси К. Вирупаев бугун Югославия спортчиси В. Голошин устидан ғалаба қозонди.

* * *

Баскетбол бўйича ўтказилган дастлабки учрашувларда Югославия командаси 62:61 ҳисоби билан Франция командаси устидан ғолиб келди.

* * *

Трамплиндан сувга сакраш бўйича олимпиада медалларини олиш учун эркаклар ўртасида сакраш бошланди. 4 марта сакрашдан кейин Америкаиинг 2 спортчиси, яъни Холл билан Тобиан энг кўп балл олдилар.

* * *

СССР ва Аргентина командалари ўртасида сув полоси бўйича бугунги учрашувда 7:4 ҳисоби билан совет ватерполочилари ғалаба қозондилар.

* * *

РИМ, 28 август. (ТАСС). Олимпиада ўйинларининг уч куни ўтди. Ўтган мусобақаларда ҳозирча 18 медаль берилди.

Уч кундан кейин медаллар қуйидагича тақсимланди: Германия бирлашган командаси спортчилари 6 медаль — бир олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медаль олдилар. 31 очко олган немис спортчилари расмий бўлмаган команда ҳисобида олдинда бормоқдалар. Иккинчи ўринда учта олтин медаль ва 21 очко олган Италия командаси бормоқда. АҚШ спортчилари иккита кумуш медаль ва 17 очко олдилар.

Уч бронза медаль (хотин-қизларнинг трамплидан сувга сакраш бўйича мусобақаларида олинган бешинчи ўринни қўшиб ҳисоблаганда) олиб, 14 очко тўплаган совет командаси ҳозирча тўртинчи ўринда бормоқда.

* * *

Сув полоси бўйича учрашувда югославлар Жанубий Африка Иттифоқи командасини 7:1 ҳисоби билан ютдилар, Венгрия ватерполочилари АҚШ командаси устидан худди шундай ҳисоб билан ғалаба қозондилар.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

РИМ, 29 август. (ТАСС махсус мухбири). Италия Республикасининг президенти Жованни Гронки XVII Олимпиада ўйинларининг қатнашчилари шарафига кеча кечқурун қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимидаги меҳмонлар орасида совет спорт делегацияси раҳбарлари бошчилигидаги совет олимпиадачилари ҳам бор эди.



Римдаги сув стадионида сувга сакраш бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Уч метрли трамплиндан сакраш бўйича бўлган ярим финал мусобақада умумгерман командасининг аъзоси Ингрид Кремер биринчи ўринни, бир неча марта СССР чемпиони номини олган, XV ва XVI Олимпия ўйинларининг қатнашчиси, спорт мастери Нина Крутова иккинчи ўринни олди. Булар бошқа саккиз спортчи билан бирга финал мусобақаларида қатнашадилар. Суратда: Н. Крутова (ўнгда) ва И. Кремер.

ТАСС фотохроникаси.
(Сурат ТАССнинг фототелеграфи орқали олинган).

Иккинчи мағлубият

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйинини Куйбишев шаҳрида ўтказди. Учрашув маҳаллий «Крилья Советов» командаси фойдасига 1:0 ҳисоби билан тугади. Бу «Пахтакор»нинг кетма-кет иккинчи мағлубиятидир.

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Л. Дмитрук чемпион бўлди

Хотин-қиз шахматчилар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги учун Тошкентда ўтказилган мусобақа бир ойга яқин давом этди. Қизғин ва кескин курашлар натижасида биринчи разрядли шахматчи Л. Дмитрук (Тошкент) мусобақада биринчи ўринни эгаллади ва республика чемпиони номини олди. Янги чемпион 17 имкониятдан 15 очко тўплади. У 13 партияда голиб чиқди, 4 партияни дуранг қилди. Л. Дмитрук ўйинлари диққатга сазовордир. У доим актив ҳужум қилиш усулини қўллайди. Аммо қийин аҳволга тушиб қолганда ҳимояни ҳам яхши ташкил этади.

Тошкентлик шахматчилардан Л. Козулеева ва К. Лебедова ўртоқлар 14 тадан очко тўплаб, иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Бу ҳар икки шахматчи мусобақанинг сўнгги ўйинларида айниқса яхши натижаларни қўлга киритдилар. Тошкентлик биринчи разрядли ёш шахматчи Р. Ниёзбекова 4-ўринни эгаллади. Ниёзбекованинг бир неча чиройли ўйинлари тамошабинларда яхши таассурот қолдирди. 5-ўринни К. Жданкина (Нукус) олди.

Мусобақа якунлари республикамизда хотин-қиз шахматчилар маҳорати анча ўсганлигини кўрсатди.

И. БИРБРАГЕР,
шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери.

Қишлоқ спортчилари мусобақаси

Тошкент стадионларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қишлоқ спортчиларининг спартакиадаси давом этмоқда. Енгил атлетикачилар программадаги 13 тур бўйича биринчилик учун курашдилар. Шундан 3 турда Ўзбекистоннинг қишлоқ спортчилари голиб келди. Қорақалпоғистон АССР «Кегайли» совхозининг мактаб ўқитувчиси А. Рустамов 200 метр масофани 23,5 секундда босиб ўтиб, спартакиада чемпиони номини олди. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоздан келган ўқитувчи А. Тошматов беш курашчилар мусобақасида голиб чиқди.

Енгил атлетикачиларнинг икки кунлик мусобақаларидан сўнг Қозоғистон спортчилари пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистон командаси иккинчи, қирғизистонликлар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Бухоро область Шофирқон районидаги «Коммунизм» колхози физкультура коллективи муваффақиятли қатнашмоқда. Бу қишлоқ хўжалик артелининг 4 вакили физкультурачилар коллективлари орасида спартакиада чемпионлари номини олди.

Волейболчилар навбатдаги мусобақаларни ўтказадилар. Ўзбекистоннинг эрлар ва хотин-қизлар командалари Туркманистон волейболчилари устидан ғалаба қозондилар.

Тошкент ипподромида ўтаётган қишлоқ чавандозлари мусобақаси кескин кураш билан давом этмоқда. Дастлабки икки кунда команда ҳисобида республикамиз чавандозлари 13 очко тўплаб биринчи ўринга чиқдилар. Қозоғистон ва Тожикистон вакиллари эса бир очко кейинда қолмоқдалар.

«Пахтакор» стадионида эркин усулда курашчиларнинг учрашувлари ўтказилмоқда. Бунда 3 турдан сўнг команда ҳисобида Қозоғистон спортчилари пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистон курашчилари иккинчи ўринда турибди. Ўзбек курашчиси Б. Мадаминов У. Кожавулов (Қирғизистон) билан бўлган учрашувни ютди ва Қозоғистон вакили К. Носиров билан курашиб дуранг қилди. Енгил вазнлик Б. Сафаров ўрта вазнлик А. Попов ва оғир вазнлик Х. Ибодуллаев иккитадан ғалабага эришдилар.

Телевизор экранида

30 АВГУСТДА

19.30. Мультипликацион фильм-«Чўчқабоқар».
19.50. Сўнгги ахборот.
20.10. И. И. Левитан ижодига бағишланган адабий эшиттириш (рус тилида).
20.35. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун «Пахта теримига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган» деган эшиттириш.
20.50. «Консерваториянинг келажакдаги студентлари».
21.20. Бадиий фильм — «Уруш ва тинчлик» (1-серияси).

Об-ҳаво қандай бўлади?

Бугун кундузи Тошкент шаҳри ва Тошкент областида ҳавонинг бироз булутли бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Эрталаб Тошкентда 16-18, областда 15-18, кундузи Тошкентда 30-32, областда эса 30-35 даража иссиқ бўлади.

15 сентябрда Бухоро шаҳрида ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1960 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 3-чиқарилиши ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ

Пул-буюм лотереяси билетларига «Волга» ва «Москвич» автомашиналари, 4 хонали уйлар, мотоцикллар, мотороллерлар, пианинолар, телевизорлар, холодильниклар, гиламлар, тикув машиналари, олтин ва металл соатлар, костюмлик газламалар ва бошқа қимматли буюмларни ютиш мумкин.

Тиражда 11 мингта буюм ютуғи, 199 мингта пул ютуғи ўйналади.

Лотерея билетлари ҳамма омонат кассаларида, магазинларда, газета киоскаларида, кинотеатрларда ва омонат кассаларнинг вакиллари томонидан сотилади.

Тиражгача саноқли кунлар қолди! Лотерея билетларини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

Биринчи синов (1-серия) «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), ёзги НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 минут ва 10 да), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 10-40 минутда).

Оқ қон — «ИСКРА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 яримда), ПУШКИН номли (кеч 11 да).

Янги Деҳли (1 ва 2-серия) — қишки НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 2 ярим ва 5-20 минутда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10 да), ПУШКИН номли (кеч 8 яримда).

Маҳаллада дув-дув гап — қишки НАВОИЙ номли (кундуз соат 12-50, кеч 8-20 минут ва 10 да ўзбек тилида), «СПУТНИК» (кундуз 4,5 ва кеч 6 да рус тилида), «ПОБЕДА» (кеч 9 ва 10-45 минутда).

Баҳор момақалдироқлари — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 8 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10-20 минутда).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «СПУТНИК» (кеч соат 8 ва 10 да).

Бабетта урушга боради (янги кенг экранли кинокомедия) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда).

Отасини қидирган қизча — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

12 қиз ва 1 эркак (кеч соат 9 да), **Узоқ соҳилларда** (кеч 10-40 минутда) — ёзги «ВАТАН».

Кнопка ва Антон — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 яримда).

Тошкентдаги
1-ШАҲАР АВТОПАРКИ
тезлаштирилган тартибда
II класс шоферлар тайёрлайдиган
КУРСГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бу курсга камида 5 йил ишлаган ва Тошкент шаҳри доирасида яшаб турган III класс шоферлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 ой.

Луначарское шоссе, 50-уйда 1-автопаркнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — 27-307.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р 10578. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А, 1867.